

Аллоҳ розилигини истаб



09:03 / 13.07.2021 3611

Илм Аллоҳ розилиги учун ўрганилади, олим дейилиш учун эмас!

Қуръон Аллоҳ розилиги учун ёдланади, қори дейилиш учун эмас!

Намоз Аллоҳ розилиги учун ўқилади, намозхон дейилиш, одамларнинг ишончига кириш учун эмас!

Рўза Аллоҳ розилиги учун тутилади, рўзадор дейишлари учун эмас!

Закот Аллоҳ розилиги учун берилади, бой, пулдор деб аталиш учун эмас!

Ҳаж Аллоҳ розилиги учун қилинади, ҳожи ака деб чақиришлари учун эмас!

Эҳсон, садақа Аллоҳ розилиги учун берилади, сахий, қўли очик дейишлари учун эмас!

Машина Аллоҳ розилигини топишга сабаб бўладиган ишларга миниш учун олинади, одамларга мақтаниш, кўз-кўз қилиш учун эмас!

Янги либос Аллоҳ танани беркитишга буюргани учун олиб кийилади, мода ёки фалон бренддан кийинар экан дейишлари учун эмас!

Ота-онага Аллоҳ розилиги учун, Унинг амрига итоат қилиб яхшилик қилинади, ҳовли-жой, машина ва бошқа матоҳларни ҳадя қилишлари учун эмас!

Тўй икки ёшнинг иффатини сақлаш, суннатга амал қилиш ва умматнинг сонини кўпайтириш учун қилинади, ноёб таомлар қўйиб одамларга мақтаниш, исроф, дабдаба учун эмас!

Сўзимизни ушбу оятлар билан якунлаймиз:

هُلَّكَ كَيْرَ شَأَلٍ نَيَّمَلْ أَعْلَابَ رَهْلَلِ يَتَامَمَ وَيَا حَمَّوِي كُسُنُو وَيَتَالَصَّ نَأْلُقْ
نَيَّمَلْ سُمْلَالُ وَأَنَا أَوْ تَرْمُ أَلْ دَبَّو

“Сен: “Албатта, менинг намозим, ибодатларим, ҳаёт ва мамотим оламларнинг Робби Аллоҳ учундир. Унинг шериги йўқ. Ана шунга буюрилганман. Ва мен энг аввалги мусулмонман, деб айт” (Бу оят мусулмон одам бутунлай Аллоҳга ажралиб чиқиши лозимлигини кўрсатади. У намозни фақат Аллоҳ учун ўқийди. Бошқа зот учун ёки бадантарбия, ахлоқий машқ, ота-онасини хурсанд қилиш учун эмас. У ибодатларини фақат Аллоҳ учун адо этади. Ҳаж қилса, рўза тутса, закот берса, Аллоҳ учун қилади. Бировнинг гапи, мақтови ёки эҳтироми учун қилмайди.) (Анъом сураси, 162, 163-оят).

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади